
“ҚЎҚОН” ЭИЗ ХУДУДИДА ҚИЙМАТИ 169 МЛН. ДОЛЛАР БЎЛГАН МИСДАН СИМ, ҚУВУР ВА ФОЛЬГА МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги вилоят ҳокимлиги масъуллари, вилоятимизнинг йирик тадбиркорларидан иборат Фарғона вилояти делегациясининг Германия ва Австрияга амалий ташрифи давомида “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида қиймати 169 млн. доллар бўлган мисдан сим, қувур ва фольга маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказилди.

“МВ Қўқон-7” МЧЖ ва “Mark Arinstein Maschinen & Anlagen GmbH” компаниялари ҳамкорлигида амалга ошириладиган ушбу лойиҳанинг 1-босқичини йўлга қўйишни тезлаштириш мақсадида Австриянинг Гмунден шаҳридаги “Niehoff Gruppe”, “ASMAG” ва “UP CAST” компанияларидаги ишлаб турган заводлар фаолияти ўрганилди.

Музокаралар натижасида лойиҳанинг биринчи босқичини ишга тушириш юзасидан инвестицион шартнома имзоланди. Корхонанинг ишга тушиши натижасида йиллик 25 минг тонна мисни қайта ишлаб, қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яратилади, ишлаб чиқарилган сим, қувур ва фольга маҳсулотлари ички бозорга ҳамда экспортга йўналтирилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-01 14:54:39